Ушбу сонда:
2 *Касаба уюшмалари бозор шароитида* УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР УНДИРИЛДИ
3 *«Ишонч» фош этади* КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ иситмаси ошкор қилади
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 феврал, шанба № 19 (1444)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон салоҳияти бағоят кенг











## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан табрикномалар келиши давом этмоқда.***

Уларда Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берилиб, мамлакатимиз истиқлолга эришиши, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, халқаро майдонда юртимиз нуфузининг ошиши, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланиши Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский, Руминия Президенти Ион Илиеску, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Россия Федерал йиғини Федерация Кенгаши Раиси Сергей Миронов, Тошкент ва Ўрта Осиё Митрополити Владимир, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайло, Япония Либерал демократик партияси Сиёсий кенгаши Раиси Таро Асо, Япония парламенти депутати Йоширо Мори, Япония Янги консерватив партияси раиси Хироши Кумагаи, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков, Свердлов вилояти губернатори Эдуард Россел, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик Виктор Садовничий, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти Виталий Видяпин, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Халқаро фахрий фан докторлари клуби президенти Улф Ханнинг, «Интерфакс» ахборот агентлиги бош директори Михаил Комиссар, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси президенти Евгений Примаков, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Вячеслав Трубников, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина, Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси раиси Владимир Шербаков, Россия Федерацияси Миллий телерадиоузатувчилар уюшмаси президенти Эдуард Сагалаев ўз табригини йўллади.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА ҚЎШМА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Жорий йилнинг 29-30 январ кунлари Киевда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг навбатдаги бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Украина бош вазирлари раислик қилди. Ҳамкорликнинг анъанавий юқори даражаси, унинг ўзаро манфаатли хусусиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга фойдаланилмаётган жиддий имкониятлар мавжуд, минтақалараро даражада ҳамкорлик етарлича ривожланмаяпти. Мажлисда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳукуматлараро комиссия иши якунларига кўра баённома имзоланди. Шунингдек, Тошкент юридик институти ва Я.Мудрий номидаги Украина Миллий юридик академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

**(ЎзА).**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятининг Пскент туманида ўтган йилнинг ўзида ўн икки ярим километрли газ қувурлари ётқизилди. Натижада Навоий, Аҳмад Дўсбеков номидаги ширкат хўжаликларида 124 хонадон газдан фойдалана бошлади. Беш-олти йил илгари туман 20 фоиз газлаштирилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Бу йил туман газчилари яна 20 километр қувур ётқизишни мўлжаллаб турибди.

## «ПСКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» ЯНГИЧА ЙЎЛ ТАНЛАДИ

Бу яхши, албатта. Бироқ таъминот ва техник хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоб қилиш борасида муаммолар кўпаймоқда. Уларни бартараф этиш мақсадида тизимда таркибий ўзгаришлар қилинди. «Пскентгазтаъминот» корхонаси иккига бўлинди. Ундан қурувчи ва техник ходимлардан иборат бўлинма ажралиб чиқди, яъни «Пскенттехгаз» корхонаси мустақил фаолият кўрсата бошлади.

- Эндиликда биз фақат газ қувурлари ётқизиш, газ ускуналари ўтказиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланяпмиз. Илгари бундай эмас эди. Хусусан, дўппи тор келиб қолган пайтларда ходимларимиз асосий иши бу ёқда қолиб, қарзни йиғишга чиқиб кетар эди. Эндиликда бу ҳолга чек қўйилди,- дейди «Пскенттехгаз» корхонаси директори Содир Соипов. - Аҳолига табиий газ етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоб ишларини эса «Пскентгазтаъминот» корхонаси амалга оширади.

**(ЎзА).**

## МЕҲР ҚОЛУР!

*Наврўз тадориги*

Халқимиз азалдан меҳр-мурувват, хайру саховат эгаси. Айниқса, янгиланиш, яшариш онлари бўлмиш кўклам олдидан бу борадаги тадбирлар авж олади. Зеро, йил бошида бошланган олижанoблик абадийдир. Мурувват кунларини ўтказиш, кўплаб хаста, ногирон, боқувчисини йўқотган хонадонларга ташриф буюриш ва кўмак кўрсатиш анъанага айланиб бормоқда.

Ташкилотимиз билан Гулистон шаҳридаги 27-Меҳрибонлик уйи ўртасида ҳамкорлик ришталари боғланганлиги қувончли. Кўп йиллардан буён бу ерда тарбияланаётган, ота-она меҳрига муҳтож ёшларга ёрдам кўрсатиш, бир зум бўлсада ўксик дилларига ороm бағишлаш пайида бўлаяпмиз. Сирдарёлик транспорт ходимлари ҳам бундан мустасно эмаслар. Ҳар йили болалар уйи тарбияланувчиларини Республикамиздаги турли шаҳарларга саёҳатлар уюштиришда бепул автобус билан таъминлаб келишяпти. Ҳар йилги байрам тантаналарида эса болажонлар ҳузурига ошиқиш одат тусига кирган. Мана бир неча йилдирки, Республика автомобил транспорти ва йўл қурилиш хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳрибонлик уйида бўлиб, болалар кўнглини шод этаяпти.

Ўтган йили республикамиз Конституцияси ҳамда янги йил байрами олдидан тарбияланувчилар тармоқ ходимлари Марказий қўмитаси ва қуйи ташкилотларнинг совғасини қабул қилдилар. Болаларга кийим-кечак, китоблар, ширинликлар улашилди. Ўқиш ва жамоат ишларида энг намунали деб топилган болалар Рая Узанкова ва Максим Шаминга махсус совға топширилди. Шунингдек, «Сирдарётранс» автомобилдан фойдаланиш ва йўловчи ташиш уюшмаси, «Сирдарёавтойўл» бошқармалари ҳам тарбияланувчиларга ўз оталиқ ёрдамини кўрсатиб келяпти.

Мана, нафосат, меҳр-оқибатга йўғрилган Наврўзи олам ташриф буюрадиган онлар яқин. Улуғ кунга тайёргарликни қизғин бошлаб юбордик.

**Муқумжон СОЛИЕВ,**
**Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Сирдарё вилоят қўмитасининг раиси.**

## ЎҚУВ

### касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларига бағишланди

Ушбу ўқув Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III-Қурултойи қарорларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларга, касаба уюшмаларининг бугунги кундаги долзарб вазифаларига бағишланди.

Унда соғлиқни сақлаш ҳамда енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаларининг вилоят қўмиталари раислари, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар.

Ўқувда касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишлари - мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган туб ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироклари, кучли ижтимоий ҳимоя, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни юксалтириш, ижтимоий шерикчилик тамойилини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшмаларининг бутун саъй-ҳаракатлари нодавлат мулк шакллари тобора ривож топаётган бир пайтда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилаётганлиги ҳам таъкидланди.

Ўқув иштирокчилари, айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жойлардаги амалий ишлар, бу соҳада эришилган ютуқлар, шу билан бирга айрим ҳолларда учраб турган камчиликлар хусусида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, янги таклифларни ўртага ташладилар.

Касаба уюшмалари ўқувида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудирлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳитдинова ҳамда енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Маъмура Одилова иштирок этиб, мазкур масалалар юзасидан маъруза қилдилар.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби.**

*Ислоҳот инсон учун*

## ЯХШИ ИШЛАГАН

### меҳнатига яраша ҳақ олсин

***Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга оид республикамиз Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш фаолиятнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.***

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдек долзарб вазифалар жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда 4973 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидан 4848 тасида мазкур ҳужжат қабул қилинган бўлиб, улар асосида 500 минг нафардан зиёд меҳнаткаш манфаатлари қамраб олинган. Тармоқ касаба уюшма вилоят қўмиталари томонидан 29 та, 67 та туман ва шаҳар миқёсида тузилган тармоқ битимларининг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Кейинги йилларда қабул қилинган жамоа шартномаларидаги бандлар аниқ мақсадга қаратилганлиги билан олдингиларидан фарқ қилади. Уларда меҳнатга ҳақ тўлашни ўз вақтида ташкил этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, турли ижтимоий имтиёзлар, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган зарар учун товон пули тўлаш каби қатор масалалар қамраб олинган.

«Ўзбеккимёмаш», «Трансформатор», «Янгийўлёғмой» ҳиссадорлик жамиятларида ҳамда Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Шунингдек, корхона, ташкилот маъмуриятлари билан ҳам ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, автомобил транспорти, агросаноат мажмуи, металлургия ва машинасозлик тармоқларида фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 2400 нафар аёлларга тўланадиган нафақалар миқдори 30 миллион сўмни ташкил этди. «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», «Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари» ҳиссадорлик жамиятларида ҳамда бошқа қатор корхоналарда кўп болали аёлларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш вақтлари бир соатга қисқартирилди. «Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятида ҳам беморларнинг даволанишлари учун дори-дармонга кетадиган сарф-ҳаражатнинг 50 фоизини маъмурият ўз зиммасига олди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамоа шартномаларидаги бандлар асосан бажарилмоқда. Иш ҳақидан қарздорлик масаласига келсак, Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгашининг кейинги қатор пленумларида бу долзарб муаммо атрофлича таҳлил этиляпти. Камчиликларни бартараф этиш бўйича билдирилган танқидий фикрлар умумлаштирилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан Юқори Чирчиқ, Чиноз ҳамда Бўка туманларида бошланғич ташкилотларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилиши юзасидан амалга ошираётган ишлари йиғилишда муҳокама этилди. Мазкур масала доимий равишда автомобил транспорти ва йўл хўжалиги, енгил саноат, геология ва кимё саноати тармоқларининг раёсат йиғилишларида кенг таҳлил қилинмоқда. Умуман олганда иш берувчилр олдига қўйилган расмий талабномалар 73 та бўлиб, ундирилган маблағ миқдори 5,1 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу масала касаба уюшма мажлислари ҳамда раёсат йиғилишларида 18, умумий мажлисларда 107 марта кўриб чиқилди.

Иш ҳақидан қарздорликни ундириш борасида суд ва прокуратура органларига 9 маротаба мурожаат қилинди. Ундирилган қарздорлик миқдори эса 150 миллион сўмга тенг бўлди.

Бундан ташқари, тармоқ вилоят қўмиталарининг Қарияларни қадрлаш йили бўйича тадбирлар дастури тузилганди. Уларни амалга ошириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича имзоланган тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари матнига ташкилотларда ишлаб, пенсияга чиққанлар учун моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий имтиёз ва кафолатларни уларга нисбатан ҳам қўллаш, байрамларда мунтазам равишда тақдирлаб бориш каби бандлар киритилганди. Корхона, хўжаликлар маъмурияти ҳамда касаба уюшма ташкилотлари томонидан ишлаётган пенсионерларга шу тариқа 52 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 800 нафар қарияга турли сиҳатгоҳларга 26,4 миллион сўмлик имтиёзли йўлланмалар берилди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Шарҳловчи минбари*

## ИРОҚ МУАММОСИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

АҚШ ҳукумати Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга тайёр, фақат бунинг учун Саддам Ҳусайн Ироқни тарк этиши лозим. Бундан ташқари, Оқ уй маъмурияти Ироқ раҳбари, унинг оила аъзолари ва яқинларини қабул қилишга рози бўлувчи мамлакатни топишга ёрдам бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас. АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг бу сўзлари Форс кўрфазидаги ҳарбийлар сони кундан-кун ортиб бораётган бўлса-да, Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш усуллари ҳали борлигини кўрсатди.

К.Пауэллнинг бу гапларини эшитиб, истеҳзоли кулиб қўйганлар ҳам йўқ эмас. Негаки, бу фикр илгари ҳам бир-икки айтилган, лекин ҳеч ким уни жиддий қабул қилмаган эди. Устига-устак, ўшанда унча-мунча давлат Ироқ раҳбарини ўз ҳудудига киритишга рози бўлмаслиги ҳам аниқ эди. Лекин вақт ўтиб, энди кузатувчилар эмас, АҚШ ҳукуматидаги нуфузли арбобнинг тилидан жаранглаган бу гаплар Оқ уй маъмурияти мазкур усулни жиддий муҳокама қилишга тайёр эканидан далолат бермоқда. Куни кеча К.Пауэлл ва АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд Конгресс аъзолари билан учрашувда ҳам бу масалани кўтаргани эса, АҚШда бу борадаги муҳокамалар бошлаб юборилганини англатади.

Тўғри, бир қарашда АҚШ ҳукуматининг бу таклифи антиқароқ кўриниши мумкин. Чунки Ироқ раҳбари мамлакатни ўз хоҳиши билан ташлаб кетишига ишониш қийин. Қолаверса, АҚШ Саддам Ҳусайн бошқа мамлакатда қўним топганда ҳам уни таъқиб этмаслиги кафолатланмаган. К.Пауэлл, бу ҳақда гапирар экан, мазкур масала жаҳон ҳамжамияти билан келишилган ҳолда ҳал этилиши лозим, деган фикрни билдирди.

Куни кеча Италия бош вазири Силвио Берлусконининг Вашингтонда АҚШ президенти Жорж Буш билан ўтган учрашуви чоғида ҳам мазкур масала муҳокама қилинган. Ироқ борасидаги вазиятга тўхталар экан, АҚШ президенти ҳозир уни қуролсизлантириш энг долзарб масала эканини айтиб, Саддам Ҳусайннинг мамлакатни ўз хоҳиши билан тарк этишига умид билдирди. Ўз навбатида, Италия бош вазири Ж.Бушнинг Ироқ муаммосига ёндашувини қўллаб-қувватлаб, Форс кўрфазидаги янги урушнинг бўлиш-бўлмаслиги энди бутунлай Саддам Ҳусайнга боғлиқлигини айтиб ўтди.

Минтақадаги ҳарбийлар сони кундан-кун ошиб бораётган бир пайтда, муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш таклифи АҚШнинг ўзидан чиққани юзага келган вазиятга бироз ойдинлик киритди. Яъни, АҚШ яна бир бор пировард мақсади Ироқ ихтиёрида бор деб тахмин қилинаётган оммавий қирғин қуролларини йўқотиш эканини яна бир карра исботлади. Оқ уй маъмуриятининг фикрича, бу давлатдаги беқарорлик бир кун келиб, нафақат АҚШга, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига қарши қаратилиши эҳтимолдан холи эмас. АҚШ Ироқнинг ҳозирги раҳбари билан бир эмас, икки марта уруш қилганини ҳисобга олсак, Саддам Ҳусайн қуролларини яхшиликча топширмаслиги аниқ. Шундай экан, чигални ечишнинг иккита усули қолади: биринчиси - уни ҳарбий куч ёрдамида қуролсизлантириш, иккинчиси - Саддам Ҳусайн мамлакатдан чиқиб кетишга рози бўлса, масалани янги ҳукумат билан ҳал қилиш.

Маълумотларга қараганда, 5 феврал куни АҚШ таклифи билан БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзолари кенгашади. Уларнинг эътиборига АҚШ томонидан тайёрланган махсус ҳисобот ҳавола этилади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, Ироқ тақдири кўп жиҳатдан ана ўша йиғинда ҳал бўлади.

**Бобур СОБИРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Бор бўл, оқибат!*

***Топилжоннинг кейинги пайтлардаги юриш-туриши Жонобод маҳалла педагог-тарбиячисининг кўнглига нима учундир ўтиришмай қолди. Қосимжон бир гал уни деҳқон бозори ёнида серрайиб турганида учратди. Қўлини белига тираган ҳолда, лабининг чеккасидаги папиросни буруқситиб, кимгадир гап уқдирарди. Чойхона олдидан ўтаётганда очиқ эшикдан ичкарида улфатлари билан карта ташлаётган бир йигитга кўзи тушди. Ошхонадан гандираклаб чиқаётганида у билан юзма-юз келиб қолди.***

# МАҲАЛЛАДА БЕГОНА ЙЎҚ

## бекор юрган ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасидаги ибратли тадбирлар

...Оқсоқол Олимжон ака Зуҳурдинов ҳузурида бўлган эрталабки маҳалла маслаҳатида Қосимжон бор гапни ўртага ташлади.

– Ёш-яланглaрни ножўя йўллардан қайтармасак, эртага жабрини маҳалла тортади. Ёнингизга ёшлар комиссияси аъзолари, маҳалла сардорини олингда, хонадонга боринглар... Уйда нима гап экан?..

Шу куниёқ Фаридахон Даминова, Тожиддин Раҳмонов каби фаоллар Қосимжон Ҳакимов бошчилигида нодон йигитнинг ҳовлисига кириб бордилар. Бир пиёла чой устида ёшлар тарбияси, ота-онанинг бурчи, огоҳлик ҳақида очиқ-ойдин мулоқот бўлди. Парпивой ота, Зуҳрахон аялар тирикчилик билан овора бўлиб, фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйганликларини тан олдилар.

Оз фурсат ўтмай хонадонга хушхабар келди. Янги очилган Пойтуғ ип-йигирув корхонасига Топилжонни ишга таклиф қилинганлиги тўғрисида, маҳалла йиғинидан уйга қоғоз ташлаб кетишибди.

Жонобод маҳалласи Избоскан туманидаги Ўртоқлар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли энг обод масканлардан биридир. Мавзеда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўрамда мактаб, дорихона, сартарошхона, пойафзал устахонаси, гузар, давлат архиви идораси, шунингдек, сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи шахсий томорқа хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалланинг вояга етмаганлар ва ўсмир ёшлар тарбияси борасидаги ибратли ишлари таҳсинга сазовор. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ўқимай, ишламай юрган ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туманда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида маҳалладан 24 нафар йигит-қиз иштирок этиб доимий иш ўринларига эга бўлди. Толибжон Тўхтасинов, Абдураҳмон Эргашев каби ўсмир ёшлар маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида Бобур номли ширкат хўжалиги, «Пахтакор» фермер хўжалигига қарашли ҳунармандчилик цехларига ишга жойлашдилар.

Алишер Умаралиев қорамолчилик фермасида, Комилжон Матқобулов иссиқхона деҳқончилиги, Қосимжон Отахоновлар халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланаётирлар. Шунданми, маҳалла гузарида ҳатто қўшни тумандан келган ишбилармонларни учратиш мумкин. Маҳаллий хомашёдан тайёрланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ишқибозлар кўп.

Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Белбоғли кураш, волейбол, баскетбол, шоҳмот-шашка, таэквандо секциялари спорт ишқибозлари билан гавжум. Таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпиони Шамсуддин Маҳмудов, шашка бўйича Ўзбекистон чемпиони Миразиз Қутбиддиновлар шу маҳалла фарзандлари. Умуман маҳаллада оммавий спорт турлари юзасидан 120 нафар йигит-қиз жисмоний жиҳатдан чиниқмоқда.

Туманда 182 минг 660 нафар аҳоли яшаб меҳнат қилмоқда. Улар 35114 та хўжалик, 59 та маҳалла, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинларига уюшган.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси доимий диққат марказида. Ўтган йилда эҳтиёжманд оилаларга 24 миллион 961 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Эътиборлиси, «Бандлик» дастури изчиллик билан амалиётга киритилмоқда.

«Пойтуғ» пойафзал фабрикасининг ишга туширилиши айни муддао бўлди. Натижада 9-11-синфларни тугатган 500 нафар қишлоқ ёшлари ҳаётда ўз ўринларини топди.

Дастурда таъкидланганидек, маҳалланинг бошқарув тизимидаги фаоллигини кучайтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, тўй ва удумларни тартибга солиш, жиноятчиликка қарши кураш, кам таъминланган хонадонларни ижтимоий ҳимоялаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини авж олдириш маҳаллалар назоратида турибди. Кўрик-танловлар, халқ ҳашарлари, тозалик ойликлари уюштириш эндиликда анъанага айланган. «Соғлом оила» танловида Т.Турғунов оқсоқоллигидаги Аҳмадали ҳожи маҳалласи вилоят босқичига йўлланма олди. Пири-бадавлатлар Тўланбой ота ҳамда Жўрахон опалар оиласи ғолиб деб топилди.

Ободонлаштириш кўригида А.Икромов номли маҳалланинг ютиб чиққанлигининг боиси бор. Оқсоқол М.Эгамбердиев мавзе оқсоқоли. Сабаб, келди-кетдиларни отахон кўздан қочирмайди. Тўй-ҳашамларда дабдабага ўрин йўқ. Чойхона, савдо дўконлари, кўчалар ораста. Жамоа оқсоқолининг измидан чиқмайди.

Яқинда туманда ҳокимлик ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси ҳомийлигида «Обод маҳалла йили» кўргазмали семинари ўтказилди. Тадбирга янгича ёндашилди. Маъруза ва ҳисоботлар ўрнига ўқимай-ишламай юрган ёшлар бўш ўринларга ишга жойлаштирилди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бугуннинг одамлари*

# 2.ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР

«Йўлдош ота» шўъба хусусий корхонаси ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ жамоанинг бугунги қилаётган ишлари ҳавас қиларли даражада: корхона маҳаллий ресурслардан (локализация) саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводини барпо этиб, ўнлаб кишиларни иш билан таъминлаяпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш қаторида асосий тармоқ – Агросаноат мажмуида ҳам ислоҳотларнинг изчил шаклланганлиги ишлаб чиқариш таркибини янгилашга, одамлар қалбида меҳнатга муносабатни ўзгартиришга шароит яратди. Ҳозир туманда пахта, ғалла ва пилла етиштиришга ихтисослашган 13 та асосий хўжалик бор. Уларда меҳнатга ёндошишнинг эскича усулидан воз кечилиб, барчаси ширкатга айлантирилган ва чек усулида ишлаш жорий этилган. Ишлаб чиқаришда четдан бировнинг аралашувлари барҳам топиб, ҳар бир ишчи бажараётган юмуши эртага қанча фойда келтиришини аввалдан яхши билади.

Тармоқдан сифатли ва мўл маҳсулот етиштиришнинг жаҳон тажрибаларида синалган ана шу усули оққўрғонлик миришкорлар учун ҳам кони фойда бўлаётганлигини мана бу рақам орқали англаб олиш унчалик қийин кечмаса керак. Чунончи, йил сарҳисобида туман бўйича ҳар бир ишчи меҳнат ҳақига қўшимча яхшигина даромад кўрди. Ҳолбуки, жамоа бўлиб иш юритилган пайтлари хўжаликларнинг барчаси режаларини ортиғи билан уддаласа-да, сарф-харажатларнинг аниқ кўлами белгиланмаганлиги боис, йил қарз билан якунланарди.

Албатта, асосий тармоқда ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонлик яхши натижа берди. «Ер тўғрисида»ги ва «Деҳқон-фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларга амал қилиниб, деҳқончиликни касбим дегувчи кишиларга ширкатлардан етти минг гектардан ортиқ экин майдони ажратиб берилди.

Кичик ва ўрта бизнес, аграр соҳа... ва яна, бу рўйхатни кўп давом эттириш мумкин. Масалан, қишлоқ инфратузилмаси.

Дарвоқе, ўтган йилларда ҳукумат дастури асосида бу борада ҳам талай ишлар қилинди. Айтайлик, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, 48,5 км. табиий газ қувури ишга туширилди. Ёки туман аҳолисининг газ билан таъминланганлик даражаси 43 фоиздан 96 фоизга етказилди. Шунингдек, А.Икромов, Й.Охунбобоев номли, «Канка», «Оққўрғон» ва С.Сегизбоев номли ширкат хўжаликлари аҳолисига трассалар тортилиб, 29 та аҳоли пунктида газлаштириш ишлари бажарилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Шу сабабли мавжуд хўжаликлар ва Оққўрғон ҳамда Олимкент шаҳрида 136 та тоза ичимлик суви билан таъминлаш манбаалари қайтадан назоратдан ўтказилиб, бир суткада 30 миллион куб метр сув етказиб бериш йўлга қўйилди.

Ана шу ишлар янада такомиллаштирилиб, чекка қишлоқларда барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бешта қишлоқ врачлик пункти қурилиб, мутахассислар билан таъминланди ва аҳоли ихтиёрига топширилди. Шунингдек, одамлар вақтини тежаш, ортиқча оворагарчиликларга барҳам бериш мақсадида ҳар бир хўжаликда бозорлар барпо этилган.

Бозорга борган киши ҳамёнга қараб иш кўради, деган гап бор халқимизда. Қурилишми ёҳуд ободонлаштириш, барибир кўпгина маблағ керак бўлиши табиий. Талаб ҳар соҳада ҳам катта, лекин туманнинг имкониятлари ҳаммасига бир хилда етмаслиги мумкин. Айни шу пайтда тадбиркорлар саховати эл корига яраяпти.

Бир мисол. «Покиза-М» фермер хўжалиги 160 нафар ишчини доимий иш билан таъминлаш қаторида кўплаб хайрли ва савобли юмушларда ҳам доимо бош-қош. Бу тадбиркорнинг ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йилида тумандаги 55 нафар нуроний Бухоро ва Самарқанддаги зиёратгоҳ жойларда бўлиб қайтишди. Шу билан бирга А.Навоий номли ширкат хўжалигидаги 8 та қишлоқни ичимлик суви билан ўз ҳисобидан таъминлади. Ёки тасарруфидаги ерда битта шийпон қуриб, уни ҳар жиҳатдан замонавийлаштириб ва компьютерлаштириб, мактаб ўқувчиларига туҳфа этиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Маҳалладаги иккита мактабнинг жорий таъмири, байрамларда 50-60 нафар ўқувчи ва 10 нафар илғор ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, Наврўз, Мустақиллик байрамларини маҳаллада кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш ва унга хомийлик қилиш каби олижаноб ишларни қарийб ўн икки йилдан буён канда қилмайди. Аҳамиятлиси, бу ишлар ўз маблағи ҳисобидан ва ҳеч қачон, ҳеч ким «шуларни қилиш керак» деб унга айтмаган.

Саховат ишларида фақат бир фермерга тўхталдик, холос. Аслида туман тасарруфида «Покиза-М» фермер хўжалигига ўхшаган ўнлаб, ҳатто юзлаб кишилар топилади.

Жорий йил «Обод маҳалла йили» деб белгиланди. Бунинг замирида катта маъно бор. Маҳалла обод, юрт обод, маҳалла тинч, Ватан тинч. Обод маҳалла айни шу сўзлар замиридан келиб чиқилганлигига шубҳа йўқ. Бу борада ҳам туманда бир талай ишлар бошлаб юборилган.

Корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлару ишбилармонлар ҳамкорлигида алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, мавжуд 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини тасаррусидаги 81 та маҳалла оталиққа олинган. Қилинаётган ишлар дебочаси аллақачон кўзга ташланиб турибди. Чунончи, 19 та маҳаллада замон талаби даражасидаги гузарлар, ёшларни иш билан таъминловчи ҳунар цехлари ёки тикиш-бичиш корхоналари, савдо шохобчалари ва энг асосийси, таянч пунктлари ишга туширилиб, ёшлар қаторида катталар ҳам манфаатдор бўлаяпти, шу билан бирга иш билан таъминланаяпти.

Далиллар, рақамлар... Уларни Оққўрғонда қилинаётган ишлар мисолида ҳали кўп ва хўп давом эттириш мумкин. Бироқ кўзланган мақсад бу эмас. Даставвал Қорақалпоғистондаги бир хўжаликнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволига қисқа назар ташлагандик. Энди ўша жойдаги аҳвол ва бу ерда қилинаётган ишлар таққосланса, хўш, нега шундай, деган савол туғилмайдими?

Очиғи фақат талаб қилиб, ўзи тараққиётга ҳеч қандай ҳисса қўшмаётганларнинг косаси оқармаса, нега бошқалардан гина қилиш керак, дея ўйлаб қоласан киши.

Зеро, оққўрғонликлар тажрибаси, шижоати ҳам меҳнат муваффақият гарови эканлиги ёрқин исботлаб турибди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## КЕНГ ТАРМОҚЛИ КОРХОНА

Нурота туманидаги Аминжон Баратов номли масъулияти чекланган жамият Навоий вилоятидаги кенг тармоқли корхоналардан бири. Бу ерда 100 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Янги йилнинг дастлабки кунидан корхона маҳсулотига Навоий кон-металлургия комбинатидан буюртма тушди. Кончилар учун 10 минг дона махсус кийим-бош тайёрланди. Навоий қурилиш бошқармаси ва «Навоийазот» ҳиссадорлик жамиятидан ҳам худди шундай буюртмалар қабул қилинди.

Корхонада тикувчилик, каштачилик, гилам тўқиш тармоқлари кенг ривожланган. Яқинда улар сафига мармарни қайта ишлаш цехи ҳам қўшилди. Бу ерда сифатли, чет элникидан қолишмайдиган плиталар чиқарилаётгани боис республикамизнинг турли бурчакларидан буюртмалар тушмоқда.

- Тошкент ва Марғилон шаҳар тўқимачилик фабрикалари билан яқин алоқада бўлишимиз корхонамизга муваффақият келтиряпти,- дейди жамият раиси Фармон Ибодов. - Ушбу фабрикалардан хомашё олиб, уни қайта ишлаяпмиз. Истеъмолчилар дидига мос, ҳозирги ёшларимизга ёқадиган кийим-кечаклар тикаётганимиз учун иқтисодий кўрсаткичларимиз салмоғи ортиб бормоқда. Шу йилнинг январ ойида 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот савдога чиқарилди. Энг муҳими, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган аёллар ва эркаклар устки ҳамда ички кийим-кечаклари, мармар ушоқлари-ю, плиталари омборхоналарда туриб қолмаяпти. Маҳсулотимиз сифати ва арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

**(ЎзА).**

Бўстонлиқ тумани ИИБға қарашли паспорт бўлими 142 минг 980 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Жонкуяр ходимлар вақти-вақти билан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

***Суратларда: милиция лейтенанти Ойбек Юнусов Дилрабо Саидўлиева билан галдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда; рўйхатга олиш бўлим бошлиғи Нормат Усмонов.***





**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

# ҲАМИША ЁРДАМГА ШАЙ

Самарқанд вилояти Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ходимлари ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилардан келиб тушган кўпгина шикоят хатларини ижобий ҳал қилишди.

– Шикоят аризаларининг деярли барчасини жамоа ва ширкат хўжалик раҳбарларининг ширкат аъзолари билан тузган жамоа шартномаси тўлиқ бажармаганликлари оқибатида юзага келган, дейди- раис муовини Рустам Валиев. Барча шикоятларни атрофлича ўрганиб, тажрибали ҳуқуқшунос Тошмуҳаммад Амиров билан биргаликда жойларда бўлиб шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан ўз фикрларимизни баён этдик. Ҳозирги кунда эса туман марказлари ҳамда хўжаликларда бўлиб фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан семинар йиғилишлар ташкил этилмоқда дейди-у.

Тойлоқ туманида ташкил этилган семинар йиғилишида ҳам худди юқоридаги масалаларга эътибор қаратилди. Вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган семинарга қўмита раиси Аминжон Ғаффоров соҳада йиғилиб қолган масалалар юзасидан маъруза қилди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалри Кенгашининг девонхона мудири Д.Одилова, «тармоқ касаба уюшма қўмиталарида иш юритиш» хусусида маъруза қилди. Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшмаси қўмитасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида етакчи мутахассис, ҳуқуқшунос Т.Амировнинг маърузаси йиғилган қишлоқ хўжалик ходимлари, мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.

**Ҳ. ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР УНДИРИЛДИ

Мамлакатимизда эришилаётган ютуқларда автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимларининг ҳам ўзига хос улуши бор. Шу ўринда йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат ҳамда юк ташиш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталсак. Аввало «Ўзавтойўл» концерни корхоналари ҳамда ташкилотларининг «Тошкент – Ўш», Арнасой сув омбори қурилишларида, республика миқёсидаги йўлларни қайта таъмирлаш борасида амалга ошираётган ишлари эътиборга молик.

Қувончлиси шуки, тармоқ ходимларининг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида 17 нафар ишчи-хизматчиларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ҳамда унинг тизимлари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда битимлар ҳамда жамоа шартномаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда бошланғич ташкилотларнинг улуши бекиёс. Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 200 миллион сўмлик узоқ муддатли қарзлар ундирилди. Ўтган йил давомида 12 маротаба судга, 23 маротаба прокуратура органларига мурожаат этилиб, уларнинг қарорлари асосида 137,5 миллион сўмлик иш ҳақи эгаларига берилди.

Бу борада тармоқ касаба уюшмалари Тошкент шаҳар, Тошкент, Хоразм, Навоий вилоятлари касаба уюшма ташкилотларининг амалга оширган ишлари самарали бўлмоқда.

Тармоқда меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш ва дам олиш шароитини яратиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Меҳнат ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича касаба уюшмалари назоратини фаоллаштириш мақсадида мазкур масалалар билан боғлиқ бўлган қонун, қарор, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан барча бошланғич ташкилотлар таъминланди. Натижада автокорхона ва йўл ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа комиссиялари ҳамда вакилларининг иш фаолиятлари анча жонланди.

Қуйи ташкилотларда маънавият, жисмоний тарбия, спорт ишлари бўйича махсус дастурларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келди. Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва қўмиталари «Маънавият ва маърифат» хоналарини кўргазмали воситалар ва адабиётлар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратишди. Ўтган йили Тошкент шаҳрининг 18-сонли автобус саройида ва Тошкент вилоятининг Қибрай автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармасида касаба уюшма вакиллари билан ўтказилган кўргазмали семинарда «Маънавият ва маърифат» хоналарининг жиҳозланиши ва бу соҳада олиб борилаётган иш тажрибалари ўртоқлашилди. Демак, ўзаро ҳамжиҳатлик ўз самарасини бермоқда.

**М.БЕКМАТОВ,**
**Республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг мутахассиси.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ

## ҳеч кимни унутмайди

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти кўнгилли, мустақил, ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат халқаро жамоат ташкилоти бўлиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Қабул қилинган Фармон ва қарорлар бажарилишида жамиятнинг алоҳида ўрни бор.

Жамият бош тамойили инсонпарварликдир. Шунингдек, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик унинг бош мақсадларидан бирига айланган. Жамиятнинг Жиззах вилоят кенгаши тизимида шаҳар ва туман бўлимлари ташкил этилган бўлиб, 43 нафар ходим ишлайди.

Ўтган йили 1800 дан зиёд қаровчисини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар, кам таъминланган серфарзанд оилаларга 500 минг сўмлик тиббий, 2 миллион сўмлик моддий инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, ҳар йили Зомин тумани Ём қишлоғидаги Мурувват уйига, Зарбдор туманидаги 1- ва 2- ногирон болалар махсус интернат-мактаблари, Фориш туманидаги «Чўпон» болалар интернати, Пахтакор туманидаги 31-, Жиззах шаҳридаги 32-интернат-мактаблари, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази ҳамда 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кўмак бериб келмоқда.

Айни пайтда жамият ҳамширалари 66 нафар ёлғиз қария ва 231та кам таъминланган хонадонга бориб, беморлар ҳолидан хабар олиб туришибди. Уларга тиббий, ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатилмоқда. Вилоятнинг Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Фориш, Пахтакор туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида, айниқса бу иш яхши ташкил этилган. Фавқулодда вазиятларда аҳолининг ўзига ва ўзгаларга биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатиш бўйича шартномалар асосида жойларда семинарлар бўлиб ўтаётир. Тоғолди ҳудудларида жойлашган Бахмал ва Ғаллаорол туманларида бундай тайёргарлик бўйича амалга оширилган 2 та лойиҳа дастури муваффақиятли якунланди. Ғаллаорол туманида 9 гектар майдонда 9150 туп кўчат ўтқазилиб, Қизил Ярим Ой жамияти боғи бунёд этилди. Бу лойиҳалар харажати 4 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Федерацияси томонидан қопланди.

Жамиятнинг Зафаробод. Ғаллаорол, Янгиобод, Зомин туманлари кенгашларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Хусусан, Зафаробод тумани кенгаши ўз ёрдамчи хўжалигига эга. 10 гектар ердан 450 минг сўм даромад олинди. Ғаллаорол тумани кенгаши тасарруфидаги 1 гектар токзордан эса 400 минг сўмлик фойда кўрилди.

Жамиятнинг вилоят Кенгаши ўз фаолиятини саховатли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, фавқулодда вазиятлар, мудофаа ишлари, халқ таълими, давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармалари, Тадбиркорбанк, Пахтабанк, вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоалари ҳомийлик кўрсатиб келишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамият инсонпарварлик тамойили асосида иш юритишни бош мақсадлардан бирига айлантираётир.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

***Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган. Президентимизнинг тадбиркорлик, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳамда уни рағбатлантириш борасидаги Фармонлари, ҳукумат қарорлари ишбилармонлар учун имтиёзлар, қулайликлар яратмоқда.***

# МАКТАБ — ФЕРМЕР СОВҒАСИ

Ўзбек халқининг ўзига хос ибратли удумлари бор. Хайрия, саховатпешалик, оилавий шароити оғирларга кўмак бериш, ёлғизларга суянчиқ бўлиш ана шундай фазилатлар сирасига киради.

– Ҳунармандлар юрти Шаҳрихонни эшитмаган одам бўлмаса керак. Аҳолиси 210 минг нафардан ошиқ шаҳарда косибчилик, пичоқчилик, кандакорлик, дўппичилик ва чеварчилик билан шуғулланиб, ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириб, авлоддан-авлодга етказиб келмоқда,– дейди туман ва шаҳар кичик ҳамда ўрта тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Дилшод Шамситдинов. – Саховатли ташкилотларимиздан бири «Ривож» хусусий-савдо ишлаб чиқариш фирмасидир. Бу фирма ёш авлодимизнинг билим олиши учун ўз ҳисобидан 400 ўринли ўқув биноси қуриб берди.

— Мактабимиз ёмон аҳволда эди. 1777 ўқувчи учун бу бино илм олиш учун қулай шароит яратди,– дейди мактаб директори Одина Бабашева.

– «Ривож» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 1996 йилда Шаҳрихонда ташкил топган эди. Дастлаб хусусий савдо фаолияти билан, кейинчалик оилавий сармоялар жамланиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маълумки, мамлакатимизда қурилиш молларига эҳтиёж катта. Шуни ҳисобга олиб, фирмамиз 1997 йилда Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро ҳамкорликда универсал пайвандлаш электродлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ривож-Тяньжин» Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди. Дастлаб корхонанинг низом фонди 300 минг АҚШ доллари билан иш бошлаб, кейинчалик 1 миллион АҚШ долларига етказилди. Натижада янги иш ўринлари яратилди. Фирма ўз фаолиятини кенгайтиришда давом этиб, «Ривож-Тяньжин» қўшма корхонаси билан бир қаторда «Шаҳрихон савдо базаси» маъсулияти чекланган жамият яратилди. Бу билан у иқтисодий ислоҳотларга ўзининг анча ҳиссасини қўшмоқда, – дейди фирма директори ўринбосари Қобил Отахонов.

... Ҳозирги кунда фирмада 500 нафар ишчи-ходимлар самарали меҳнат қилишмоқда. Жамоада 200 га яқин аёллар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар.

Бу ерда ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган йилда фирма моддий ва ижтимоий ҳимояга 2 миллион 555 минг сўм сарфлади. Бундан ташқари байрамларда жамоанинг ҳамма аъзолари дастурхон атрофига таклиф этиладилар. Масалан, юртимизнинг энг катта шодиёнаси – Мустақилллик кунини нишонлаш ажойиб тарзда ўтди. Илғорлар рағбатлантирилиб, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг маданий дам олишлари, саёҳатларга чиқишлари учун 450 минг сўм, ходимларга бепул тушлик ташкил этиш учун 2 миллион 100 минг сўм сарфланди.



Фирманинг келажакдаги режалари кўп, яъни янги иш ўринларини яратишдан олинган фойдадан халқ манфаати учун ҳайрли ишларни амалга оширишдир.

Яна бир мисол «Тайт» фермер хўжалиги ҳам халқ манфаатини ўйлаб, яхши ишларга қўл урди. Фермер Шарифжон ака Жўраев ушбу хўжаликни Шаҳрихоннинг Найнова ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этди. Асосан чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликда 48 гектар ер бор. Шарифжон ака ўз хўжалиги фойдасидан 42-ўрта мактабга суратдаги 120 ўринли ўқув биносини қуриб берди.

Халқимизда бир ибора бор «Ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг билмасин» дейилади. Ҳайрли ишлар вилоятда кўп. Айтайлик, Марҳамат туманида «Шуҳрат» фермер хўжалиги 350 ўринли шифохона, Андижон туманининг «Мустақиллик» фермер хўжалиги янги мактаб биносини қуриб,элга совға қилдилар.

Хуллас тадбиркорларимиз мактабларни, боғчаларни , шифохоналарни таъмирлаш ишларига, иситиш тизимини янгилашга, маҳаллалардаги оммавий тадбирларни ўтказишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# “БИЗНЕС ИНКУБАТОР” ИМКОНИЯТИ

Шу пайтгача бор-йўғи учта хонада фаолият кўрсатиб келган Гулистондаги “Бизнес инкубатор” янги бинога кўчиб ўтди. Эндиликда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги фуқароларга назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитлар яхшиланди.

- Бугунга келиб биз ўз ишимизни тўлақонли бажариш имконига эга бўлдик, - деди “Бизнес инкубатор” директори Қурбонбой Асалов “Туркистон-пресс” мухбирига. - Айни пайтда камида олти нафар тадбиркорни оёққа турғизишга қурбимиз етади. Уларни тендер асосида танлаб оламиз. Тадбиркорлар бир-икки йил давомида бу ерда иш ўрганади. Ходимларимиз уларга ҳуқуқий ва иқтисодий билимларни ўрганиш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси, янги технологиялар билан танишишда кўмаклашади. Буларнинг ҳаммаси текин бажарилади.

Қ. Асаловнинг таъкидлашича, ўтган йили 350 нафар тадбиркор бухгалтерия курслари, шунингдек компьютер саводхонлиги бўйича таълим олишди. Қолаверса, ишсизлик мақомидаги 40 нафар фуқаро тадбиркорларнинг қисқа муддатли курсларини тугатиб, ўз ишларини очишди.

“Бизнес инкубатор” тадбиркорларни зарур ахборот ва технологиялар билан таъминламоқда. Гулистонда республикада биринчи бўлиб мунтазам фаолият кўрсатувчи мини технологиялар савдо маркази очилди. Марказда икки миллион сўмликдан зиёд технологик ускуналар сотилди.

**“Туркистон-пресс”**



# «ГУЛНУР»НИНГ ГУЛГУН ГИЛАМЛАРИ

Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, талаб ва эҳтиёжга мос маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорни сифатли товар билан таъминлашга Тўрткўл туманида ҳам катта эътибор берилмоқда.

Тумандаги «Гулнур» кичик корхонаси икки йил аввал ташкил этилган эди. Ўшанда корхонасини илк бор ҳатлаб ўтган хотин-қизлар эндиликда замонавий дастгоҳларни усталик билан бошқармоқда. Эллик нафар қўли гул усталар тўқиётган Хива ва туркман гиламлари бутун республикада ўз харидорига эга.

Бир ойдирки, корхонада қўй жунидан калава тайёрлаш цехи ҳам иш бошлади. Бу хомашё танқислигига барҳам беради.

**(ЎзА).**

*Оғриқ нуқталар*

***Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори Шоҳида Жалилова билан бўлган мулоқот дилимни ларзага солди.***

- Шаҳарга оқиб келаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Улар орасида яхши ҳам бор, ёмон ҳам, - дейди Ш.Жалилова. - Меним-ча, уйида мардикор ишлатадиганлар, ижарага қўядиганлар энг аввало «бегона»нинг шахсини аниқлашлари керак. Участка нозири уларни рўйхатга олиб, рухсат бергандан сўнггина уйга киритиш мумкин. Айтишади-ку, «синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деб...

# НОТЎҒРИ ТАРБИЯ ВА ЛОҚАЙДЛИК

## кимларгадир қимматга тушди

Ҳақ гап. Бир пайтлар Тошкент зилзиласидан кейин пойтахтга келувчиларнинг ҳисобини билиб бўлмай қолган эди. Пировардида ғалати касалликлар жумладан, тери-таносил касалликлари ҳам кўпайганди. Шароит тиббий чора-тадбир кўрилишини тақозо этарди.

Биз тилга олаётган диспансер ана шу йўсинда дунёга келган эди. Ҳозирги пайтда йилига 3-4 минг нафар бемор бу ерда шифо топмоқда. Энг ёмони шуки, уларнинг аксарияти навқирон қиз-йигитлардир. 198 нафар ҳамшира, 24 нафар малакали шифокор уларга хизмат қиляпти. Шифохонада тери-таносил касалликларининг 20 турига шифо бахш этилади. Муолажа учун харажат давлат ҳисобидан. Диспансерда хизмат кўрсатиш сифати юксак даражада. Хуллас, бу масканга шифо истаб келаётганларнинг буткул соғайиб, қаторга қайтишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Аммо...

Кетганлар яна қайтиб келаётир. Чунки айрим «суюқоёқ»лар даволанишгач, ўтган қора кунларини унутиб қўйишяпти, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» қабилида маишатларини давом эттиришяпти. Оқибатда хасталик хуруж қилиб, уларга сарфланган харажат ва меҳнат зое кетмоқда. Инсон хато қилади. Тузатади. Аммо нега хатони такрорлаш керак? Қозоғистонлик Жулдиз ўсган хонадонда ҳаловат йўқ эди. Ота-она жанжалидан безиган 13 яшар қиз оромини кўчадан қидирадиган бўлди. Дўст-ўртоқни пастқам кўчаларда учратди. Улар ёрдамида ичиш-чекишни ўрганди. Ғунча эди. Шу жойда сўлди. Сўнг эса Тошкентга келиб танини сотиб кун кўрди. Кўза кунда эмас, кунида синади. Ички ишлар ходимлари Жулдизни диспансерга олиб келишди. У узоқ даволанди. Тавбасига таяниб чиқиб кетди. Бир-икки ой ўтгандан сўнг эса яна келди.

Фарғоналик Диломнинг қисмати янада аянчли. Ўгай ота 14 яшар қизга ғалати муомала қиладиган одат чиқарди. Она ўз-ўзи билан овора эди. Қиз ўгай отасидан қочиб, бир куни «Андижон-Тошкент» поездига чиқди. Поезд азонда Тошкентга етиб келди. Ундан тушган қиз бир зум гангиб қолди. Қаёққа боришини билмай «Шимолий вокзал»даги ўриндиқлардан бирига чўкди. Довдираб ўтирган қизни кузатиб турган бир йигит дарҳол унинг олдига келди. Соддадил қиз мулойим сўзларга учиб, йигит билан бирга кетди. У ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилди. Йигит кунларнинг бирида ғойиб бўлди. Шу-шу Дилором қўлдан-қўлга ўтиб юрди. Охир оқибат оғир хасталикка чалиниб диспансерга келиб қолди.

Тошкентлик Гулчеҳра тўкис оилада камол топди. Егани олдида, емагани ортида эди. Тўқлик шўхлик келтиргандир балки, у жуда эрта бузилди. Диспансерга тушди. Отаси оқ қилди.

Мақола сабаб бир неча аянчли тақдирни қаламга олдик. Афсуски, бундайлар кам эмас. Ҳеч ким онасидан «жиноятчи» бўлиб туғилмайди, шунингдек, «суюқоёқ» ҳам. Ҳар бир масаланинг бош томири - тарбия. Туйғулари тупроққа қоришган қизларнинг бахтсизлиги нотўғри тарбия ҳамда лоқайдлик мевасидир. Уларни бир шох каби кесиб ташлаб бўлмайди. Адашганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётнинг равон йўлига олиб чиқиш тарбияга масъул ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

**Шароф ИСКАНДАР.**

# СУД ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Бухорода суд тизимининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдаги ролига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Тадбирни Америка юристлар уюшмаси ва Тошкент Давлат юридик институти уюштирди.

Анжуманда инсон ҳуқуқлари, миллий қонунчиликнинг ривожланиши ва Республика суд тизимида ислоҳотларнинг бориши жараёнлари муҳокама этилди. Иштирокчилар шунингдек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро ҳужжатлар билан таништирилди.

Анжуман якунида Бухоро ва Навоий вилоятларнинг жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича судяларига халқаро сертификатлар топширилди.

# НУКУС АЭРОПОРТИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Яқинда ўзининг ўн бир йиллигини нишонлаган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибида Нукус аэропортининг алоҳида ўрни бор. Оролбўйи «ҳаво дарвозаси» айни кунларда халқаро талаблар даражасида қайта таъмирланмоқда. Ҳозирда ишнинг биринчи навбати якунланди. Қайта таъмирлаш ишларининг иккинчи навбати жорий йилда ўз ниҳоясига етказилади.

- Жамоамиз ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади, -дейди аэропортнинг муҳандислик-коммуникация таъминоти бўлими бошлиғи Омонгелди Жумабоев. - Йўловчи ва юк ташиш режалари ошириб бажарилди, 55 миллион сўм фойда олинди. Бу маблағлар йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, қулай иш шароитлари яратиш учун сарфланмоқда.

**(ЎзА).**

*«Ишонч» фош этади*

Баҳористон ва Усмон Юсупов туманлари бирлаштирилиб, Миришкор тумани ташкил этилди. Эндиликда бу ерда қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, маҳалла ва гузарлар ободонлаштирилиб, йўлу ҳиёбонлар тартибга келтирилаётир. Бироқ туман халқ таълими бўлими фаолияти ҳамда баъзи мактаблардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишган киши чуқур ўйга толади. Қуйидаги таҳлилдан ҳам аниқ хулоса чиқариш мумкин.

# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ

## иситмаси ошкор қилади

Икки қаватли бино бир қарашда анча салобатли кўринса-да, ичкарига киришингиз билан фикрингиз салбий томонга ўзгаради. Соат 15 лар бўлишига қарамай халқ таълими бўлимида деярли ҳеч ким йўқ. Ҳамроҳимиз туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳриддин Кароматов хижолатдан нима дейишини билмайди. Хоналар қулфланган.

– Ходимлар қаерда, – сўраймиз ҳисобчидан.

У елка қисади. Билсак, хоналар совуқлиги учун ҳисобчилар бир хонага кириб олишган экан. Шу пайт жисмоний тарбия фани бўйича услубчи Шокир Рўзиқулов рўпарамизда пайдо бўлди. Унинг хонасига кириб, ҳайратимиз баттар ортди. Совуқлиги етмагандек турли қоғозлар, анжомлар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Рўпарадаги хона эса кераксиз лаш-лушлар билан тўлган. Ҳамроҳимнинг таъкидлашича, бу ерда раҳбар бўлмаган куни аксарият ходимлар «иш билан кетдим» баҳонасида жуфтакни ростлаб қолишар экан.

Хўш, халқ таълими бўлимида аҳвол шундай бўлса, мактаблардаги аҳвол қандай экан? Дастлаб, энг яхши деб эътироф этилган Собир Раҳимов номли мактабга йўл олдик. Бу ерда 1491 нафар ўғил-қиз таълим олади. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўрта махсус маълумотли. 3-б синфида дарс ўтаётган ўқитувчи Д.Холиқова фаолиятини бир пас кузатиб, тилимизни тишладик. Синфда 31 ўқувчи ўрнига 10 га яқин бола бор эди.

– Қолган ўқувчилар қаерда?

– Ҳозир жадвал бўйича жисмоний тарбия дарси. Бироқ шароит бўлмаганлиги учун ўзлаштиролмаётган ўқувчилар билан қўшимча машғулот олиб бораяпман.

– Айнан жисмоний тарбия дарсида-я?!

Муаллима нима дейишини билмай ерга қаради. Ўқувчилар хона заҳ бўлганидан палтоларини ечмай ўтиришибди. Бу алфозда уларнинг қулоғига дарс кирармиди.

Мактаб ўйингоҳида 50 нафарга яқин бола ур-йиқит футбол ўйнаяпти. Кўпининг кийим-бошига қараб бўлмайди. Уларнинг раҳбарлари О.Жумаева ва Н.Имомовалар бир бурчакда бамайлихотир гурунглашиб ўтиришарди. Билсак, жисмоний тарбия дарси учун бу одатий ҳол бўлиб, ўқувчиларни ана шундай ўз ҳолига ташлаб қўйиш янгилик эмас экан. Бир соат амаллаб ўтса бўлгани...

5-г синфида дарс ўтаётган Абдуғулом Жабборовнинг ҳолати ғоятда ажабланарли эди. Бошида телпак, палто кийиб олган муаллим дийдираганча йигит-қизларга ниманидир тушунтирар эди. Хонадаги жиҳозлар эскирган, умуман бемалол дарс ўтиш учун ҳеч қандай шароит йўқлиги бир қарашдаёқ сезилади.

Бизни яна бир муҳим муаммо ташвишга солди. Туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Болтабой Қораев билан суҳбатдан маълум бўлишича, халқ таълими тасарруфидаги илм маскани ўқитувчилари, хизматчилари ойлик маошларини вақтида олишмаётган экан. Бу ҳақда турли идораларга мурожаат қилишларига қарамасдан аҳвол ўнгланмабди.

Миришкордан қайтар эканмиз, ҳамроҳимиз Болта Бўриев аста шипшиди:

– Мухбир ука, сиз кўрган камчиликларни «юқоридагилар» билса яхши бўлмас. Газетга ёзманг, ҳаммаси ўз вақти билан изга тушади.

Шунда илм масканларидаги камчиликларнинг туб сабабларини илғагандек бўлдик. Ахир қачонгача нуқсонларни, қонунбузарликларни кўриб кўрмаганга оламиз, уларни хаспўшлашга уринамиз. Худди шу келишувчанлигимиз, лоқайдлигимиз, журъатсизлигимиз сабабли айрим мактаблардаги ўғил-қизлар ўзлари хоҳлаган, орзу қилган даражада илм олишолмаяпти. Бунга Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасидаги мутасаддилар нима деб жавоб беришаркин?

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» махсус мухбири.**

